NIHU Program
Islamic Area Studies

TIAS Central Eurasian Research Series No.4

Ṣadr al-Dīn ʻAynī

BUKHĀRĀ INQILĀBĪNING TA'RĪKHĪ

Nashrga ṭayyārlāvchīlar:

SHIMADA Shizuo
Sharifa TOSHEVA

TIAS: Department of Islamic Area Studies
Center for Evolving Humanities
Graduate School of Humanities and Sociology
The University of Tokyo

NIHU Program Islamic Area Studies
TIAS: Department of Islamic Area Studies,
Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities and Sociology,
The University of Tokyo

7-3-1 Hongo, Bunkyo-ku, Tokyo, 113-0033 JAPAN
Tel: (+81)-3-5841-2687
Fax: (+81)-3-5841-2686
URL: http://www.l.u-tokyo.ac.jp/tokyo-ias
E-mail: ias-web@l.u-tokyo.ac.jp

Copyright © 2010 Department of Islamic Area Studies,
Center for Evolving Humanities, The University of Tokyo

First Published in 2010
Publisher: Department of Islamic Area Studies,
Center for Evolving Humanities, Graduate School of
Humanities and Sociology,
The University of Tokyo

Supported by The Mitsubishi Foundation

SHIMADA Shizuo and Sharifa TOSHEVA (eds.)

Ṣadr al-Dīn ʻAynī

BUKHĀRĀ INQILĀBĪNING TA'RĪKHĪ

Central Eurasian Research Series No.4
ISBN 978-4-904039-16-8

Printed in Japan

Садриддин Айний

БУХОРО ИНҚИЛОБИНИНГ ТАРИХИ

Нашрга тайёрловчилар:

Шарифа Тошева

Шимада Шизуо

サドリッディーン・アイニー

『ブハラ革命史』

校訂・解題：

島田　志津夫

シャリーファ・タシェヴァ

Садр ад-дин ‘Айни

ИСТОРИЯ БУХАРСКОЙ РЕВОЛЮЦИИ

Подготовка к изданию:

Шарифа Ташева

Шимада Шизуо

МУНДАРИЖА　　目次　　СОДЕРЖАНИЕ

СЎЗБОШИ vii
КИРИШ ix
МАТН МУНДАРИЖАСИ xxvii

はじめに xxxi
解題 xxxiii
本文目次 liii

ПРЕДИСЛОВИЕ lvii
ВВЕДЕНИЕ lix
СОДЕРЖАНИЕ ТЕКСТА lxxvii

СУРАТЛАР　図版　ИЛЛЮСТРАЦИИ lxxxi

МАТН　校訂テキスト　ТЕКСТ 9

КЎРСАТКИЧЛАР　索引　УКАЗАТЕЛИ 287

СЎЗБОШИ

Ушбу нашр Бухородаги ислоҳотчилик ҳаракатлари ва 1920 йилги тўнтариш тарихига доир энг муҳим маҳаллий манбалардан бири — Садриддин Айнийнинг *Бухоро инқилобининг тарихи* номли ўзбек тилидаги асарининг матнидан иборат.

Бугунга қадар мазкур асар бир неча марта нашр этилган бўлишига қарамай, қуйида Киришда атрофлича маълумот бериб ўтилганидек, унинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалари асосидаги илмий-танқидий матнига бўлган эҳтиёж сақланиб қолмоқда эди. Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали илмий ҳамкорлик туфайли бу иш энди амалга оширилди.

Ушбу китобни ҳозирлаш ва нашр этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишда кўрсатган ёрдамлари учун ЎзР ФА Шарқшунослик институти директори Баҳром Абдуҳалимовга, директор ўринбосари Сурайё Каримовага, ушбу нашрни молиялаштирган Токио университети Ислом минтақавий тадқиқотлари маркази (Islamic Area Studies at the Center of the University of Tokyo [TIAS]) раҳбари, профессор Коматцу Ҳисаога ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Китобнинг тадқиқот қисми ва танқидий матн юзасидан билдирган қимматли фикр-мулоҳазалари ва маслаҳатлари учун Нурёғди Тошев ва Ғулом Каримовга чексиз ташаккуримизни билдирамиз.

Шарифа Тошева
(ЎзР Фанлар академияси
Шарқшунослик институти)

Шимада Шизуо
(Токио давлат чет тиллар
университети)

КИРИШ

Муаллиф

Муаллиф ҳаёти ва фаолияти унинг ўз асарларида, хусусан, *Мухтасари таржимаи ҳоли худам* (“Қисқача таржимаи ҳолим”) ва *Ёддоштҳо* (*Эсдаликлар*) асарларида, шунингдек, ушбу нашр этилаётган китобида нисбатан батафсил ёритилган. Садриддин Айний (1878–1954) Бухоро амирлигига қарашли Ғиждувон туманининг Соктари қишлоғида таваллуд топди. У бошланғич таълимни Соктаридаги қишлоқ мактабида олди. Айнийнинг ўзи кейинчалик эслаганидек, мумтоз адабиётдан яхшигина хабардор бўлган отаси Сайид Муродхўжа ёш Садриддинда ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижодига муҳаббат уйғотган.

1889 йили тарқалган вабо натижасида ҳам отаси, ҳам онасидан айрилган Садриддин 1890 йили Бухорога келди ва шу ерда мадрасада таълим олишни бошлади, аммо ундаги ўқув дастури ва ўқитиш услубларидан қониқмай, мустақил равишда адабиёт, тарих каби фанларни ўрганди. Ижтимоий масалаларга қизиқиш Айнийда айнан талабалик йилларида пайдо бўлади. Айнийнинг ўз сўзларига қараганда, бу жиҳатдан унинг дунёқарашига бухоролик қаламкаш Аҳмад Дониш (1827–1897)нинг *Наводир ул-вақоеъ* (“Нодир воқеалар”) китоби катта таъсир кўрсатган[1]. Айни пайтда у Қрим, Кавказорти, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда чиқадиган газета ва журналларни ўқиб, жадидчилик ғоялари таъсирига туша борди ва ҳаётни яхши томонга ўзгартириш учун таълим тизимини ислоҳ қилмоқ керак, деган қатъий хулосага келиб, кейинги бир неча йиллик фаолиятини шу ишонч асосига қурди.

1908 йили Садриддин Айний ўз дўсти ва маслакдоши Мирзо Абдулвоҳид Мунзим (1875–1934) билан ҳамкорликда Бухорода дастлабки маҳаллий янги усул мактабини очди. Улар биргаликда мактаб ўқувчилари учун алифбе туздилар. Айний татар мактабларининг дарсликлари билан танишиб, шу дарсликларга ўхшаш *Таҳзиб ус-сибён* (“Ўсмирлар тарбияси”) номли ўқиш китоби яратди ва уни 1910 йилда нашр қилдирди. 1910 йил охирида Айний Ёш бухороликлар томонидан тузилган *Тарбияи атфол* (“Болалар тарбияси”) яширин жамиятига аъзо бўлиб, унинг ишларида фаол

---

[1] Масалан, қар.: Садриддин Айний. Бухоро инқилобининг тарихи. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, Асосий фонд, инв. № 2125, 48-бет (бундан кейин ушбу асарнинг бетларига ҳаволалар матннинг ичида, тўртбурчак қавс [ ] орасида бериб кетилади).

иштирок этган.

1917 йил 7 апрелда Бухоро амири Сайид Олимхон (1910–1920) эълон қилган ислоҳот фармони муносабати билан ислоҳот тарафдорлари 8 апрель куни "миннатдорлик" намойиши ўтказдилар. Ушбу намойиш чоғида ислоҳот тарафдорлари билан мутаассиб уламо ва мадраса талабалари ўртасида тўқнашув юз бериб, шундан сўнг амирликда ислоҳот тарафдорларига қарши аёвсиз кураш бошланди. 9 апрелда Айний ҳам ҳибсга олиниб, амир томонидан 75 таёқ уришга ҳукм қилинди. Рус солдатлари кўмагида маҳбусликдан қутулган Айний аввал Когонга, кейин Самарқандга борди ва 1917 йил октябрь воқеаларини шу ерда кутиб олди.

1917 йил инқилобидан сўнг Айний ижодида янги давр бошланди. 1918–1920 йилларда Самарқандда таълим соҳасида фаолият олиб борар экан, у инқилобни мадҳ этувчи ва эски тузумни ўткир танқид остига олувчи бадиий ва тарихий асарлар, публицистик мақолалар ва шеърлар ёзишга зўр берди. Уларнинг аксари *Шуълаи инқилоб*[2] ("Инқилоб шуъласи") журнали ва *Меҳнаткашлар товуши* газеталарида чоп этилган.

1921–1923 йилларда Айний Самарқанддаги Бухоро консулхонасида маслаҳатчи, 1926–1933 йилларда Тожикистон давлат нашриётида муҳаррир, 1946–1950 йилларда Ўзбекистон давлат университетида ўзбек адабиёти кафедраси мудири лавозимларида ишлайди. 1951 йилда Тожикистонда Фанлар академияси ташкил этилгач, Айний унинг биринчи президенти этиб сайланди.

Садриддин Айний кўплаб тарихий, бадиий ва илмий асарлар яратган[3]. Айний ўзининг тарихий асарларида Бухоро тарихининг энг мураккаб даврларидан бири — мамлакатда ислоҳотчилик ғоялари ва инқилобий ҳаракатларнинг кенг ёйилиши, кўп асрлар давомида амалда бўлган давлат тузумининг тубдан ўзгариши воқеаларини ўз кўрган-кечирганлари асосида қаламга олган. Шу боис бу асарларни четлаб ўтиб ўша давр тарихини ёритиш мушкул.

Айний томонидан яратилган илк йирик тарихий асар — *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* ("Бухорода фикрий инқилоб тарихи") 1918 йилда тожик тилида ёзилган. Кейинчалик Айний бу асарнинг ўзбекча қайта ишланган вариантини яратиб, унга *Бухоро инқилобининг тарихи* деган ном берди[4]. *Бухоро инқилобининг тарихи* билан бир вақтда Айний тожик тилида *Тарихи силсилайи Манғитийа ки дар Бухоро ҳукм рондаанд* ("Бухорода ҳукм сурган Манғитлар сулоласи тарихи") номли асар ёзиб, уни *Шуълайи*

---

[2] Холида Айнийнинг маълумотига кўра, 1919 йил 13 июлдан бошлаб икки йилу беш ой ичида *Шуълаи инқилоб*да Айнийнинг 67 та мақоласи эълон қилинган (қар.: Х. Айни. Жизнь Садриддина Айни (краткий хронологический очерк). Душанбе, 1982, 63-бет).

[3] Уларнинг бир қисмини Садриддин Айний тожик тилида, қолганларини ўзбек тилида, бир қатор асарларини эса ҳам тожик, ҳам ўзбек тилларида ёзган. Мисол учун, *Қуллар (Ғуломон)* романи дастлаб ўзбек тилида ёзилиб, кейин муаллифнинг ўзи томонидан тожикчага ўгирилган бўлса, *Марги судхўр* (*Судхўрнинг ўлими*) ҳикояси дастлаб тожик, кейин ўзбек тилида ёзилган.

[4] Бу икки асар орасидаги тафовутлар ҳақида қуйида қар.

инқилоб журналининг 1920 йил сентябрдан 1921 йил ноябргача бўлган оралиқда чиққан 27 та сонида чоп этди. 1923 йилда бу асар муаллифнинг баъзи бир ўзгартириш ва тўлдиришлари билан *Тарихи амирони Манғитийаи Бухоро* (“Бухоро Манғит амирлари тарихи”) номи остида алоҳида китоб ҳолида нашр бўлди[5]. Булардан ташқари Айний *Қаҳрамони халқи тожик Темур Малик* (“Тожик халқи қаҳрамони Темур Малик”)*, Исёни Муқанна* (“Муқанна исёни”) каби тарихий мавзудаги асарларни ҳам ёзган. Айнийнинг бадиий асарлари ҳам тарихий асосга қурилганлиги боис *Одина*, *Дохунда*, *Қуллар* (*Ғуломон*), *Мактаби кўҳна* (*Эски мактаб*) сингари роман ва повестлари ҳам ўша давр Бухоро тарихини ўрганишда муайян даражада тарихий манба бўлиб хизмат қила олади[6].

Асар

Бухоро Республикаси ҳукумати инқилоб[7] тарихини ёзиш ишига ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараганки, большевикларнинг мафкурага, алалхусус, эски тузумни шафқатсиз танқид остига олиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларига беҳад катта аҳамият берганлари тагзаминида бу табиий ҳолдир. 1920 йил 24 сентябрида янги ташкил топган Маориф нозирлигининг биринчи мажлисида инқилоб тарихини ёзиш учун ҳатто махсус комиссия тузилди. Инқилоб тарихини ёритиш топширилган муаллифлар орасида Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний ҳам бор эди[8].

Бу пайтда Айний Самарқандда *Шуълаи инқилоб* журналида ишлаётган эди. Инқилобдан кейин журнал таҳририяти Бухородаги вазият юзасидан маълумот тўплаш учун бир неча кишидан иборат вакилларини Бухорога жўнатади. Улар қаторида Айний ҳам бўлиб, бу унинг Бухорога инқилобдан кейинги илк сафари эди. Меҳмонлар 1920 йилнинг 16 ноябрида

---

[5] Садриддин Айнӣ. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. Тошканд, 1923. Айнийнинг бу асари ва айрим тарихий қарашлари ҳақида қар.: Anke von Kügelgen. Die Legitimierung der mittelasiatischen Mangitendynastie in den Werken ihrer Historiker (18.–19. Jahrhundert). Istanbul, 2002, 435–449-бетлар (Русча таржимаси: А. фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). Алматы, 2004, 409–422-бетлар).

[6] Садриддин Айний ҳаёти, фаолияти ва асарларига оид адабиётлар ҳақида қар.: Ҷ. Азизқулов, З. Муллоҷонова. Феҳрасти асарҳои С. Айнӣ ва адабиёти оид ба ӯ то охири соли 1961. Душанбе, 1963; З. Муллоҷонова, Н. Файзуллоев. Феҳрасти асарҳои С. Айнӣ ва адабиёти оид ба ӯ, солҳои 1962–1976. Душанбе, 1978; Историография общественных наук в Узбекистане. Био-библиографический очерк / Составитель Б.В. Лунин. Ташкент, 1974, 77–79-бетлар; K. Hitchins. ‘AYNĪ // Encyclopaedia Iranica. Vol. 3, 1989, 144–149-бетлар.

[7] Анъанага риоя этган ҳолда, Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилишига олиб келган 1920 йил 29 август – 2 сентябр воқеаларини биз шартли равишда “инқилоб” ёки “Бухоро инқилоби” деб атаймиз.

[8] Adeeb Khalid. Nation into History: The Origins of National Historiography in Central Asia // Stéphane A. Dudoignon (ed.). Devout Societies vs. Impious States? Transmitting Islamic Learning in Russia, Central Asia and China through the Twentieth Century. Berlin, 2004, 138-бет.

Бухорога келдилар. Айний бу сафари тўғрисида ҳикоя қилар экан, Маориф нозирлиги идорасига кирганини ва Маориф нозири Пўлатзода[9] уни илиқ қабул қилганини таъкидлайди[10]. Айнан ушбу суҳбат чоғида Йўлдош Пўлатов Айнийга инқилоб тарихига доир китоб ёзишни таклиф этган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин айрим фактлар Айнийнинг бундай китоб ёзишга илгарироқ киришганидан далолат бериб турибди.

1933 йилда ёзган бир мақоласида Айний *Бухоро инқилобининг тарихи* асарининг яратилишига тўхталиб, шундай маълумот беради: "Мен *Бухоро инқилоби тарихи*нинг кўп қисмини [19]18–19 йилларда Самарқандда тожик тилида ёздим[11]. Бухоро инқилобидан кейин Бухоро Маориф назорати Қори Йўлдош Пўлатов орқали мендан ўша материалларни ўзбекчалаштириб беришимни илтимос қилди. Мен 1920 йил ноябридан 1921 йил майига қадар ўша тожик тилидаги материалларни ўзбекчалаштириб ва охирини тўлдириб ([19]20 йил воқеалари ва инқилоб ғалабасини унга киритиб) бердим, аммо бу китоб Бухорода қолди ва чоп бўлмади. Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишидан бурунроқ СССР халқлари нашриёти ўртоқ Тўрақулов[12] орқали бу қўлёзмани Москвага сўратиб олди, 1926 йилда [китоб] чоп бўлиб чиқди"[13].

Ушбу мақолада ҳам Айний асарининг ёзилиш санаси борасида адашганга ўхшайди[14]. Ҳар ҳолда, асарнинг сўзбошисида [4] у 1920 йил 21 декабрь, хотимасида [571] эса 1921 йил 23 март санаси билан имзо чеккан. Қолаверса, 1920 йилнинг 1 сентябридан бошлаб 1921 йил 5 февралига қадар *Меҳнаткашлар товуши* газетасининг бир неча сонида "Бухородаги инқилобий ҳаракатнинг қисқача тарихи" рукни остида *Бухоро инқилобининг тарихи*нинг биринчи бўлагига кирган бобларнинг ҳаммаси, иккинчи бўлакнинг дастлабки боби чоп этилган (қуйида қар.). Демак, Айний кейинчалик *Бухоро инқилобининг тарихи* номини олган китобининг илк бобларини ёзишга Бухоро ҳукуматининг таклифидан илгарироқ киришган,

---

[9] Яъни, Ёш бухоролилар ҳаракати намояндаларидан бири Қори Йўлдош Пўлатов (1890–1966). У 1920–1922 йилларда БХСР Маориф халқ нозири бўлиб ишлаган. Садриддин Айний билан яқиндан таниш эди.

[10] Сод. Айн. Мактуб аз Бухорои сурх // Шӯълаи инқилоб, 1920, № 59 (2 декабрь), 3-бет.

[11] Тожик тилидаги *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* назарда тутилмоқда. Аммо *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* асари охирида ҳижрий 1336 йил 5 жумодо I (милодий 1918 йил 17 (4) февраль) санаси кўрсатилган (Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш., 158-бет). Муаллиф асарнинг ёзилиш санаси хусусида адашган кўринади.

[12] Назир Тўрақулов (1892–1937 ёки 1939) 1922–1928 йилларда СССР халқлари марказий нашриёти мудири вазифасида ишлаган.

[13] Садриддин Айнӣ. Ҷавоби ман // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 11, китоби якум. Душанбе, 1963, 185-бет (Биринчи нашри: Тоҷикистони сурх, 1933 йил, 8 май). Москва нашри ҳақида қуйида қар.

[14] Хронологик номувофиқликлар ва чалкашликлар Айний асарларида учраб туради (қар.: Х. Айни. Жизнь Садриддина Айни (краткий хронологический очерк). Душанбе, 1982, 5-бет), чунки баъзи маълумотларни у хотирасига таяниб баён қилган.

бироқ айнан қачонлиги номаълум. Айни пайтда шуни ҳам эътироф этиш керакки, *Меҳнаткашлар товуши*да босилган материални Айний аввал-бошдан алоҳида бир китобнинг қисми ўлароқ режалаштирилиб ёзган, дейишга асосимиз йўқ.

Гарчи қатъий хулоса чиқариш қийин бўлса-да, қуйидагиларни тахмин қилиш мумкин. Инқилоб арафасида ёки унинг биринчи кунлари, яъни 1920 йил август ойининг охирларида Айний *Меҳнаткашлар товуши* газетаси учун туркум мақолалар ёза бошлади. Кейинчалик, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукуматидан расмий буюртма олгач, Айний *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* асарини қайта ишлаб ва тўлдириб, жумладан, *Меҳнаткашлар товуши*да чоп бўлган мазкур туркум мақолаларни унга қўшиб, ушбу ўзбек тилидаги асарини яратган ва унга *Бухоро инқилобининг тарихи* деб ном берган.

1921 йил май ойида Айний *Шуълаи инқилоб* журнали таҳририяти аъзолари билан 20 кун муддатга яна Бухорога келди. У биринчи навбатда *Бухоро ахбори* газетаси редакцияси ва давлат нашриётига ташриф буюради ва тайёрлаган китобини нашриётга топширади. Бу хусусда мазкур журналда босилган бир мақолада ўқиймиз: "Ҳукуматнинг нашриёт ишларига аҳамият беришини шундан ҳам яхши билса бўладики, журналимиз муҳаррирларидан ўртоқ Садриддин Айний Бухоро инқилоби тарихига доир 600 саҳифадан иборат бир китоб таълиф қилган эди, Бухоро ҳукумати бу китобни кўриши биланоқ, муносиб қалам ҳақи бериш баробарида уни нашр қилиш имтиёзини олди" [15]. Ҳожи Муиннинг *Меҳнаткашлар товуши* газетасида чоп этилган тақризида ҳам шундай муҳим асарни вужудга келтиришга муваффақ бўлганлиги учун муаллиф ва буюртмачига табрик айтилиб, "асар ҳозирги Бухоро инқилобий ҳукуматининг фармойиши билан ёзилганлиги учун тездан босилиб матбуот майдониға чиқса керак", деган тахмин илгари сурилган эди[16].

Бироқ Бухоро Республикаси давлат нашриёти *Бухоро инқилобининг тарихи* ва Айнийнинг *Бухоро жаллодлари* номли бошқа бир асари учун унга қалам ҳақи берган бўлса-да, бу асарлар босиб чиқарилмади[17]. Бунинг сабаб ва тафсилотлари маълум эмас. Садриддин Айнийнинг ўғли бўлмиш Камолиддин Айнийнинг шоҳидлик беришича, Йўлдош Пўлатов асарнинг нашр этилишини таъминлаш мақсадида уни таниқли рус туркологи А.Н. Самойлович (1880–1938)га берган. А.Н. Самойлович асарни рус тилига қисқача таржима қилиб, унга тақриз ҳам ёзган[18]. Маълумотлар йўқлиги орқасида Айний асарининг нашр бўлмай қолишида А.Н. Самойлович тақризи ва таржимаси қандай рол ўйнагани тўғрисида аниқ бир фикр билдириш қийин.

---

[15] Мусофирати ҳайъати идораи мо ба Бухоро // Шӯълаи инқилоб, 1921, № 77 (23 июнь), 3-бет.

[16] Ҳожи Муин. Янги асар // Меҳнаткашлар товуши, 1921, 12 май.

[17] Садриддин Айнӣ. Мухтасари тарҷимаи ҳоли худам // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 1. Душанбе, 1958, 96-бет.

[18] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш., 10–11-бет.лар.

Айний нашр этилмаган *Бухоро жаллодлари* асарининг қўлёзмасини қайтиб беришни талаб қилганида, нашриётдан «йўқолган», деган жавоб олади[19]. Шунга асосланиб, Камолиддин Айний *Бухоро инқилобининг тарихи* қўлёзмаси ҳам *Бухоро жаллодлари* асариники каби йўқолган, деб тахмин қилади[20]. Лекин Садриддин Айнийнинг ўзи 1925 йилда чиққан мақоласида бу қўлёзманинг қаерда сақланаётганига ишора қилган: "Бухоронинг марказий кутубхонасига ёки маориф идорасига мурожаат қилинг. У ерда ўзбек тилидаги *Бухоро инқилобининг тарихи* номли 580 саҳифали асар бор, унда инқилоб воқеаси ва инқилоб шаҳидлари анча муфассал зикр этилган"[21]. Шунингдек, 1933 йилда чиққан мазкур мақоласида ҳам Айний китобнинг унинг дастхати билан битилган асли Бухоро кутубхонасида мавжуд эканлигини қайд этган[22]. Демак, Айний ўша пайтда қўлёзма қаерда бўлганлигини билган. Асар номи, ҳажми, қаерда сақланаётганлиги ҳақидаги маълумотлар шундан далолат берадики, гап, шубҳасиз, ушбу нашрда таянч нусха сифатида танланган 2125 инвентарь рақамли қўлёзма устида бормоқда.

Бухоро инқилобининг тарихи ўз вақтида Бухоро Республикаси давлат нашриётида чоп этилмаганлиги учун Камолиддин Айний Файзулла Хўжаевни айбдор деб билади[23]. Эҳтимол, бу фикрда маълум асос бордир. *Бухоро инқилобининг тарихи*да, Ёш бухоролиларнинг ислоҳот йўлида амалга оширган муҳим тадбирларини ёритувчи бобларда муаллиф Файзулла Хўжаевнинг номини умуман тилга олмаган. Бухородаги инқилобий ҳаракатнинг раҳбарларидан бири бўлган ва ўша вақтда БХСР Раиси вазифасини эгаллаб турган Ф. Хўжаев 1926 йили айни мавзуда ёзган китоби муқаддимасида Садриддин Айнийнинг *Бухоро инқилобининг тарихи* китобига алоҳида тўхталиб, унинг қимматли материалларга эга эканлигини эътироф этиш баробарида, Айнийни жадидчиликка нотўғри баҳо бериш ва уни большевизм билан тенглаштиришда айблайди[24]. Шунга қараганда, Ф. Хўжаев ўз китобига қайсидир маънода Айний асарига ўзига хос жавоб ва алтернатива сифатида қараган бўлиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, Ф. Хўжаевнинг эгаллаб турган мансаби, шу билан боғлиқ масъулияти ва қалтис сиёсий вазиятдан хабардорлигидан келиб чиқилса, у К. Айний ўйлаганидек шахсий ғараз орқасида эмас, кўпроқ эҳтиётқорлик юзасидан Айний асарининг нашрига йўл бермаган бўлса эҳтимол.

Юқорида қайд этилганидек, *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро*

---

[19] Садриддин Айнӣ. Мухтасари тарҷимаи ҳоли худам // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 1. Душанбе, 1958, 96-бет.

[20] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш., 10–11-бетлар.

[21] Садриддин Айнӣ. Ҷавоб ба мунаққиди беном // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 10. Душанбе, 1966, 318-бет (биринчи нашри: Овози тоҷик, 1925, 2 март).

[22] Садриддин Айнӣ. Ҷавоби ман // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 11, китоби якум. Душанбе, 1963, 185-бет.

[23] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш., 10-бет.

[24] Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Самарқанд-Тошкент, 1926, 3-бет.

нашр этилаётган асардан бироз бурун яратилган. Бироқ Бухоро инқилобидан кейин ушбу тожикча асарнинг қўлёзмаси йўқолади ва Садриддин Айний уни излаб топишни ўғли Камолиддинга васият қилади. Камолиддин Айний Совет Иттифоқи тарқалиб кетгандан сўнггина қўлёзмани архивдан топишга муваффақ бўлди. Бу асар 2003 йили Теҳронда асл ёзувда[25], 2005 йили Душанбеда кирилл алифбосида чоп этилди[26], 2007 йилда эса қўлёзманинг факсимиле нашри дунё юзини кўрди[27].

Бухоро инқилобининг тарихи асари *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро*нинг шунчаки таржимаси бўлмай, балки мазмун ва тузилиш жиҳатларидан қайта ишланган алоҳида асардир. Агар, масалан, *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* йигирма икки бобдан ташкил топган бўлса, кейинги асарни муаллиф тўртта бўлакка ажратиб, бу бўлакларга ўнлаб қисқа бобларни киритганки, уларнинг кўплари биринчи китобда мавжуд эмас. Чунончи, биринчи бўлакнинг аксар боблари, иккинчи ва учинчи бўлакнинг бир неча боблари, тўртинчи бўлак тўлалигича янгидан ёзилган. Айтиш мумкинки, иккинчи китоб хронологик қамровининг кенглиги ва фактик материалларга бойлиги жиҳатидан биринчисидан устун. Айни пайтда, тожикча вариантда баъзи мавзулар ўзбекчадагига нисбатан муфассалроқ ёритилган.

*Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро*да Айний ўзининг ислоҳот ва инқилоб ҳақидаги қарашларини баён этган. Улардан англанишича, Айний сиёсий тўнтариш орқали давлат тузумини ўзгартирадиган инқилоб тарафдори эмас эди. Унинг мулоҳазасига биноан, сиёсий ва ижтимоий инқилоб тадрижий равишда, яъни ислоҳотлар ўтказиш орқали юз бермоғи лозим. Бунинг учун, аввало, оммани илму маърифат ёрдамида ҳурфикр ва тараққийпарвар қилиш лозим, бунга эришиш воситаси эса мактаб ва матбуотдир; шундан сўнг афкор омманинг тазйиқи ва талаби билан ислоҳот ўз-ўзидан амалга ошади, деб тушунтиради Айний[28]. 1920 йил сентябр ойида Бухорода Айний истамаган, яъни ҳали пишиб етилмаган, ташқи кучлар ёрдамида амалга оширилган инқилоб юз берди, ҳокимият инқилобий ҳукумат қўлига ўтди. Шу ҳукумат раҳбарлари буюртмаси билан ёзилган *Бухоро инқилобининг тарихи*да табиийки, муаллиф ўзининг инқилоб ҳақидаги шахсий фикр-мулоҳазаларини очиқ ифодалай олмас эди. Шунинг учун Айний бу китобда ўша давр воқеа-ҳодисалари ҳақида кўпроқ маълумот беришга интилса-да, уларга муносабат билдиришдан ўзини тияди. Бундан ташқари, олдинги асаридан фарқли равишда, турли шахсларга берган баҳо ва улар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи қисмларни муаллиф кейингисида анча қисқартирган. Масалан, нашр қилинаётган

---

[25] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш.

[26] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 14. Душанбе, 2005.

[27] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро. Нашр: акси нусхаи асл бо хатти муаллиф с. 1918 // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 15. Душанбе, 2007.

[28] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш., 94–96 бет.

китобда *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро*даги Файзулла Хўжаев ҳақида билдирилган ушбу фикрлар йўқ: "Файзуллахўжа марҳум Убайдуллахўжанинг ўғлидир. Ёш бўлишига қарамай (тахминан 20 ёшда), тижорат ишида маҳорат ҳосил қилган эди. Бухоро инқилоби ва ислоҳотчилик ҳаракатида молу жонини хатарга қўйиб, ҳамиша олдинги сафда турди. Афсуски, ёшлиги ва тажрибасизлиги туфайли катта хатоларга йўл қўйди ҳамда умумий маҳвият ва парокандаликка сабабчи бўлди. Агар бу фалокатлардан ибрат олган бўлса ва ўз ҳаракатларини ақл билан мантиқнинг тўғри йўлига солса, муваффақиятлари кутилгандек бўлади, йўқса, ҳар куни янги фожеани келтириб чиқаражак"[29].

Айний *Бухоро инқилобининг тарихи*да баён этилган воқеа-ҳодисаларга бошқа асарларида ҳам тўхталган. *Тарихи амирони Манғитийаи Бухоро* ва ундан анча кейинроқ, 1940 йилда ёзилиб, 1958 йили нашр бўлган *Мухтасари таржимаи ҳоли худам* автобиографик асарлари шулар жумласидандир. Бироқ нашр этилаётган асар муфассаллиги жиҳатидан улардан анча устун туради.

Бухоро инқилобининг тарихи сўзбоши, муқаддима, "бўлак" деб аталган тўртта қисм ва хотимадан ташкил топган. Бўлаклар, ўз навбатида, кичик-кичик бобларга бўлинади. Бу бўлиниш воқеаларни баён қилишнинг хронологик тартибига асосланган бўлиб, биринчи бўлакда 1000–1326/1591–1908 йиллар [8–53], иккинчи бўлакда 1326–1335/1908–1917 йиллар [54–353], учинчи бўлакда 1335–1336/1917–1918 йиллар [354–509], тўртинчи бўлакда 1336–1338/1918–1920 йиллар [510–566] воқеалари баён қилинган.

"Бир-икки сўз" деб аталган ва биринчи бўлакка киритилган сўзбошида [1–4] асарнинг мақсади ҳақида қисқача гапириб ўтилади. Бухорода "1917 йил апрел ойинда қўзғалиб, 1920 йил 29 августда қаттиқ бир даҳшат билан алангаланиб, 2 сентябрда амирни тахт ва бахти билан йўқ қилиб, буюк бир ўзгаришга сабаб бўлган инқилоб"нинг сабабларини кўрсатиш Айнийнинг бош мақсадидир.

Биринчи бўлакда Айний руҳонийлар ва ҳукмдорларнинг ахлоқий таназзулга юз тутишлари ва бунинг оқибатида пайдо бўлган ижтимоий иллатларни таҳлил этишга уринади. Муқаддимада [5–8] муаллиф ҳали уламолар "бузилмаган" ва шу туфайли хонлар улар билан ҳисоблашган даврларни қўмсаш билан эслаган. Шу бўлакда Айний унинг фикрича Бухоро инқилобига замин ҳозирлаган ташқи омиллар — 1904 йилги рус-япон урушида Россиянинг енгилиши, 1905 йилги инқилоб хусусида ҳам фикр юритади.

Асарнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи иккинчи бўлакда 1908–1917 йилларда Бухоро жамияти ҳаётида рўй берган маърифий ва ижтимоий-сиёсий воқеалар қаламга олинган. Унда Бухорода очилган янги усулдаги мактаблар ва бу мактаблар атрофида мутаассиб уламо билан тараққийпарварлар орасида юзага келган баҳс-мунозаралар, 1910 йил январдаги сунний-шиа низолари, 1910 йилда ташкил этилган Ёш бухороликларнинг яширин жамияти, бу жамиятнинг маърифат ва ислоҳот

[29] Кўрсатилган асар, 121-бет.

йўлида амалга оширган ишлари тўғрисида муфассал маълумот берилади.

Учинчи ва тўртинчи бўлакларда асосан сиёсий воқеалар, 1917 йил Россиядаги февраль инқилобидан сўнг Бухоро ёшларининг ислоҳот учун курашлари, амир томонидан 1917 йил 7 апрелда эълон қилинган ислоҳот фармони, 8 апрелда тараққийпарвар кучлар ташкил этган тинч намойишнинг ҳукумат томонидан бостирилиши, 1918 йилги Колесов воқеалари ва Бухорода жадидларга нисбатан кўрилган жазо чоралари тафсилотлари баён қилинган.

Бу китоб *Бухоро инқилобининг тарихи* деб аталган бўлса ҳам, муаллиф 1920 йил сентябрдаги инқилоб ҳақида деярли тўхталмай, умумий хулосалар бериш билан чекланган. Тўғри, бу пайтда Айний Самарқандда эди, инқилоб воқеаларини ўз кўзи билан кўрмаган. Аммо Колесов воқеаси каби ўзи иштирок этмаган бошқа воқеаларни қаламга олганлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Эҳтимол, бу ҳолни Айнийнинг қурол кучи билан амалга оширилган Бухоро инқилобидан ички норозилиги билан изоҳлаш мумкиндир. Бу масала чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Айни пайтда шуни назардан хориж қилмаслик лозимки, муаллифнинг ўз асарини бундай номлаши унинг 1920 йилги инқилоб ҳақида ёзиш мажбуриятини олганидан далолат бермайди, зеро, *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* ҳамда ушбу асар мазмунидан англашилганидек, Айний инқилобни Бухородаги ислоҳотчилик ғоя ва ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда тушунади.

Айний ўз асарини ёзишда фойдаланган бирор муайян манбанинг номини кўрсатмаган. Аммо у китобининг сўзбошиси ва хотимасида асарнинг биринчи бўлагини турли китобларда ўқиганларига таянган ҳолда хулосалар тарзида ёзганини[30], 1907–1908 йиллардан бошланадиган иккинчи ва учинчи бўлакларини ўз кўрган-кечирганлари асосида қаламга олганини, 1918–1920 йилларни қамраб олган тўртинчи бўлакни ўзи Самарқандда бўлганлиги туфайли ишончли кишиларнинг маълумотларига асосланиб баён этганини қайд этган [3; 567].

Садриддин Айний 1920 йилга қадар ўзбекча шеър ва мақолалар ёзган бўлса-да, *Бухоро инқилобининг тарихи* унинг ўзбек тилидаги илк йирик асаридир. Бунинг устига, асар янги алифбо ва услубга ўтиш даврида яратилган. Асардаги услубий нуқсонлар ва фикр равон ифода этилмаган жумлалар шу билан изоҳланади. Унда Бухоро-Самарқанд лаҳжаларининг кучли таъсири, келишиклар қўшимчаларини ишлатишда ўзига хосликлар (мисол учун, “эшитганим” ўрнига “эшитдигим”, қаратқич келишиги ўрнига тушум келишиги қўшимчасини ишлатиш), айрим сўзларнинг оғзаки нутққа

[30] Ушбу асар билан тахминан бир пайтда ёзилган *Тарихи амирони Манғитийаи Бухоро* асарида Айний ўзи фойдаланган манбаларни санаб ўтади (Садриддин Айнӣ. Таърихи амирони манғитияи Бухоро // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 10. Душанбе, 1966, 190-бет. Бу манбалар ҳақида қар.: Anke von Kügelgen. Die Legitimierung der mittelasiatischen Mangitendynastie in den Werken ihrer Historiker (18.–19. Jahrhundert). Istanbul, 2002, 438–439-бетлар; А. фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). Алматы, 2004, 412–413-бетлар). Табиийки, улардан *Бухоро инқилобининг тарихи*да ҳам истифода этилган.

хос шаклларини ёзиш (масалан, "шундай" ўрнига "шундоққа", "сақла-" ўрнига "сахла-") каби ҳоллар сезилади.

Асарда Айний форсий ва арабий сўзлардан ташқари баъзан усмонлича ва татарча сўзларни ҳам ишлатади. Бу ҳол фақат Айнийга хос бўлмай, ўша давр даврий матбуоти ҳамда тарихий ва адабий асарларида ҳам учрайди. XX аср бошларида Туркия, Қрим, Кавказорти ва бошқа ерларда нашр этилган китоб, газета ва журналларнинг Туркистонда кенг тарқалиши орқасида қардош туркий тиллардан бир қатор сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашиш жараёни кузатилади.

Асарнинг тилида нуқсонлар борлиги Айнийнинг ўзига ҳам маълум эди. Китобининг охирида анъанавий тарзда узрхоҳлик билдирар экан, у шундай ёзади: "Асосан менинг олган тарбияи адабиям форсий тилинда ва форсий адабиётиндан бўлиб, 28 ёшга киргунча ўзбекча ва туркча адабиёти билан шуғулланган эмас эдим. Мундан буён газета, журнал ва янги китобларнинг мутолааси соясинда ифодаи маром қила олатурган бир даражада туркчани ўргандим. Лекин китоб ёзмоқ учун ушбу қадар кифоя қилмас эди. Тамоми қавоид ва лаҳжадан хабардор бўлиш лозим эди. Шунинг учун ифодаи маромга халал етказмадиги ҳолда жумлалар бузуқ, қавоид риоя қилинмаган ва сўзлар ноҳамвор бўлиб чиқди. Мана шул хусусда бутун ўқувчиларнинг афвларини ўтинаман" [570–571]. Аммо асар қисқа фурсатда ёзилгани боис, Айнийда унга ишлов беришга вақт бўлмаганини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Асарнинг нашр ва таржималари

Юқорида зикр этилганидек, *Бухоро инқилоби тарихи*нинг биринчи бўлаги тўлалигича ва иккинчи бўлакнинг биринчи боби илк бор 1920 йилнинг 1 сентябридан бошлаб 1921 йилнинг 5 февралига қадар *Меҳнаткашлар товуши* газетасининг бир неча сонида "Бухородаги инқилобий ҳаракатнинг қисқача тарихи" сарлавҳаси билан "Бухородан бир киши" имзоси остида чоп этилган. 1923 йилда БХСР Халқ маориф назоратининг матбуот органи ҳисобланган ва Бухорода нашр этилувчи *Учқун* журналининг 2-сонида "Бухоро инқилоби тарихи" сарлавҳаси остида асарнинг сўзбоши ва муқаддимаси ҳамда дастлабки уч боби босилди[31]. Шунга ва охирида "Битмади" дейилишига қараганда, асарнинг давомини ҳам бериш мўлжалланган бўлган, аммо бизга номаълум сабабларга кўра (эҳтимол, журнал чиқиши тўхтатилгани сабабли) бу иш амалга ошмаган. *Учқун* журналида асар қисқартиришларсиз берилган, фақат енгил таҳрир қилинган, жумладан, қўлёзмадаги кўпинча ноўрин ишлатилган тиниш белгилари ўзгартирилган, сўзларнинг ўрни алмаштирилган. Кўп ҳолларда таҳрир ўзини оқлайди. Масалан, қўлёзмадаги "Бухоронинг мустабид ҳукумати қадим замонларда ҳам шундоққа ваҳший ва золим эдими, йўқса бора-бора бузилдими?" [1] жумласи "Бухорода ҳукм сурган ҳукуматлар қадим замонларда ҳам шундоққа ваҳший ва золим эдими, йўқса бора-бора

[31] Учқун, 1923, № 2 (1 апрель), 9–16-бетлар.

бузилдими?” шаклида ўзгартирилган.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, *Бухоро инқилобининг тарихи* 1926 йили Москвадаги СССР халқлари марказий нашриётида араб имлосида нашр қилинди[32]. Нашрдан мақсад, жумладан, унинг амалий аҳамияти мазкур Назир Тўрақуловнинг сўзбошисида очиқ-ойдин баён қилинган: Ўрта Осиёнинг “ҳар бир ҳақиқий инқилобчиси” китоб орқали “Бухоро ўлкасида ёқиндағина бўлиб ўтган разолатлар” билан танишиб, Афғонистонда “саргардон юриб”, империалистлар ҳомийлигида Европа матбуотида хитобномалар бостираётган амирдан нафратлансин, “маънавий ва ахлоқий фойда” топсин. Асарга муаллифдан сўрамасдан *Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар* деган бошқа ном берилганини эса Н. Тўрақулов унинг на анъанавий тарихнависликка хос бўлган воқеанома, на том маънодаги тарих эканлиги билан изоҳлайди[33].

Маълум мафкуравий сабабларга кўра асар катта қисқартиришлар билан босилган. Қисқартирилган жойлар асарнинг барча қисмларига тегишли бўлиб, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жами 140 вараққа яқин. Шундай қилиб, ҳаммаси 571 варақни ташкил этувчи асарнинг деярли 25 фоизи қисқартирилган. Хусусан, «Русия мусулмонлари ораларинда жадид-қадим низоъи» [73–81] ва «Сунний-шиа низоъи» [139–155] бобларининг катта қисми қисқартирилиб, «“Вақт” газетаси ва Бухороли мақолалари» [162–183], «Халқ ислоҳотға толиб ва ҳозир эдими?» [380–383], «Мажруҳлар Когонда ва Мирзо Назруллоҳнинг шаҳодати» [461–466] ва «Бухоро ҳукуматининг хорижий ва дохилий сиёсати» [548–553] боблари эса тўлалигича тушириб қолдирилган.

Айнийнинг Туркистон Халқ Комиссарлар Совети раиси Ф. Колесовнинг 1918 йил март ойида Бухоро амирига қарши муваффақиятсиз ҳужуми хусусида билдирган танқидий фикрлари [514–515] ҳам Москва нашридан олиб ташланган. Бу воқеадан олдин Айний Ёш бухоролилардан бирига «мукаммал ҳозирланмасдан бурун ҳужум қилишни мен ҳеч маслаҳат кўрмайман» [516], дея фикр билдирган эди. Ҳужум муваффақиятсиз тугаганидан сўнг Бухорода тараққийпарвар кучларга қарши сиёсий қатағон авж олдирилиб, натижада кўплаб бегуноҳ кишилар нобуд бўлди[34]. Шунинг учун Айний Колесов воқеасига салбий муносабатда бўлган. Лекин Айнийнинг танқиди совет идораларига, хусусан, ўша пайтда ҳукумат тепасида турган Ёш бухоролиларга маъқул бўлмагани учун бу парча Москва нашридан олиб ташланган бўлса керак.

Қисқартиришлардан ташқари, нашрда кўплаб имловий ва техник хатоларга йўл қўйилганки, бу баъзан ҳатто маъно ўзгаришларига олиб келган. Бундай нуқсонлар ўша пайтнинг ўзидаёқ ўқувчилар диққатини тортган эди. Жумладан, 1927 йилда *Маориф ва ўқитғучи* журналида

---

[32] Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926 (китоб 260 бетдан иборат бўлиб, 3000 нусхада чиққан).

[33] Назир Тўрақул ўғли. Бош сўз // Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926, 3–5-бетлар.

[34] Матнда қатл қилинган одамларнинг рўйхати берилган бўлиб, қурбон бўлганлар орасида Садриддин Айнийнинг укаси Ҳожи Сирожиддин ҳам бор эди [534–535].

босилган тақризда исми шарифи номаълум муаллиф шундай ёзади: "Китоб яхши қоғозда, нафис суратда босилғон бўлса ҳам матбаа хатоларининг ҳадсиз кўплигидан бу ҳуснларини тамоман йўқотғондир. Китобда бир кўб майда-чуйда хатолардан сарфи назар бутун жумлалар ва сатрлар ҳам қолдирилғондир. Масалан, 35-саҳифага кириши керак бўлғон 30 сатр китобнинг 7–8-саҳифасидаги муҳаррирнинг муқаддимасига киргандирким, бунинг бу ерга асло муносабати йўқдир. Бундан бошқа китобнинг бир кўб жойларида ҳам бутун сатрлар, жумлалар қолдирилғон, калималар ташланиб кетилгандир. Тағин саналар, номлар ҳам кўп жойларда хато кетган. Масалан, Абдураҳмон Саъидий ўрниға китобнинг ҳамма жойида Абдураҳмон Саъдий, Фазлиддин Махдум ўрниға Фузайл Махдум каби жуда катта хатолар кетгандир" [35]. Асарнинг аслини яхши билишига қараганда, бу тақриз Айнийга яқин одамлардан бири қаламига мансуб бўлса керак. Раҳим Ҳошимнинг ёзишича, Айнийнинг ўзи ҳам "қисқартишлар ва баъзи ноўрин тузатишлар сабабли бу нашрдан рози эмас эди"[36].

1960-йилларда Айнийнинг саккиз жилдлик танланган асарлари ўзбек тилида, кирилл ёзувида нашр этилиб, унинг биринчи жилдига *Бухоро инқилобининг тарихи* ҳам киритилди[37]. Ушбу нашр асарнинг қўлёзмалари эмас, балки 1926 йилги Москва нашри асосида амалга оширилган бўлиб, унда мафкуравий ёндашув оқибати ўлароқ матн навбатдаги қисқартиришларга дучор қилинган. Бу нашрда Москва нашрига киритилган "Жадид ёки Ёш бухоролилар фирқасининг тузилиши ва ёзилмаган программа" (65–70-бетлар), "Шўройи ислом жамияти" (215-бет), "Колесов воқеасидан келган зарар ва фожеалар" (233–234-бетлар) боблари тўлалигича тушириб қолдирилган. Жадидларга салбий муносабат орқасида Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжаев каби бу оқим намояндаларининг исмлари ташлаб кетилган. Масалан, "Бу аснода Истанбулда бўлган Фитрат афанди ва Атохўжа афанди Бухорога келдилар"[38], жумласида Фитратнинг исми ўрнига "ва бошқалар" [39] дейилган, Фитратнинг асарларига оид катта парча [40] тушириб қолдирилган[41]. Бундан ташқари, баъзи сўзлар, кишилар исмлари ва жой номлари хато берилган.

1987 йили Душанбеда асарнинг тожикча таржимаси чоп этилди[42].

---

[35] Маориф ва ўқитғучи, 1927, № 1–2, 42-бет.

[36] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби Бухоро / Баргардонанда аз ӯзбекӣ ба тоҷикӣ ва мураттиб: Р. Ҳошим. Душанбе, 1987, 239-бет (таржимон сўнгсўзи).

[37] Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Садриддин Айний. Асарлар. 1-том. Тошкент, 1963, 181–349-бетлар.

[38] Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926, 112-бет.

[39] Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Садриддин Айний. Асарлар. 1-том. Тошкент, 1963, 251-бет.

[40] Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926, 88–91-бетлар.

[41] Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Садриддин Айний. Асарлар. 1-том. Тошкент, 1963, 236-бет.

[42] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби Бухоро / Баргардонанда аз ӯзбекӣ ба тоҷикӣ ва мураттиб: Р. Ҳошим. Душанбе, 1987.

Таржима Айнийнинг шогирди Раҳим Ҳошим[43] томонидан “Тошкентдаги ЎзССР оммавий кутубхонасида 2125 ашё рақами остида сақланувчи муаллиф дастхати асосида” бажарилган[44]. Бу хусусда Раҳим Ҳошим таржимон сўнгсўзида бундай ёзади: “Устоз таваллудининг юз йиллиги байрамига тайёргарлик арафасида менда бу муҳим асарни тожикчага таржима қилиш фикри туғилди ва қидирув натижасида Тошкентнинг марказий кутубхонасида унинг бир қўлёзма нусхаси борлиги маълум бўлди. [Тожикистон ФА] Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти воситасида унинг фотонусхасини олиш чораси кўрилди ва асар сурати қўлга теккач, у биз кўчирган ўша нусха эканлиги маълум бўлди”[45].

Ушбу нашрга асос қилиб олинган 2125 инвентарь рақамли қўлёзманинг олдварақларидаги муҳрлардан кўриниб турибдики, у маълум муддат Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида (ҳозирги Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) худди шу ашё рақами билан сақланган. Аммо агар фотонусхага буюртма Айний таваллудининг юз йиллиги (1978 йил) арафасида берилган бўлса, шу йилларда қўлёзма Раҳим Ҳошим гоҳ оммавий, гоҳ марказий атамиш мазкур кутубхонада эмас, балки ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланарди. Эҳтимол, Раҳим Ҳошим қўлёзмадаги мазкур кутубхона муҳридан келиб чиқиб, шундай ноаниқ маълумот бергандир.

Бу таржимада қўлёзманинг 3- ва 5-варақларидаги матн йўқ[46]. Афтидан, бу варақлардан фотосурат олинмай қолган ёки фотонусха кейинчалик йўқолган. Таржимани ўрганиш шуни кўрсатадики, Раҳим Ҳошим асарни деярли сўзма-сўз ва аниқ таржима қилган. Фақат, диний мазмундаги айрим сўзлар тушириб қолдирилганки, буни ҳам давр шароити билан изоҳлаш мумкин. Масалан, Айнийнинг Бухоро амири томонидан 75 таёқ билан жазолангани тасвирида қуйидаги жумлалар қисқартирилган: “Дуруст ўлимга яқинлашаётиб эдим. Шунинг учун энг охир нафасда ҳар бир мусулмоннинг вирди забони бўлган калимоти шарифани такрор қилмоқ ҳар бир нарсадан менга азизроқ эди. Бошқа нарсаларни анчайин бир ўйинчоқ санамоқда эдим” [441][47]. Қолаверса, ҳижрий йилни милодийга айлантиришда ноаниқликларга йўл қўйилганлиги кўзга ташланади.

1987 йилда тожикистонлик тадқиқотчилар томонидан асарнинг

---

[43] Раҳим Ҳошим 1908 йили Самарқандда туғилиб, 1993 йили Душанбеда вафот этган. Талабалик пайтидан газеталар ва журналлар редакциясида ишлай бошлаб, кейинчалик Тожикистон давлат нашриётида фаолият кўрсатган. 1938 йил февралда “халқ душмани” тамғаси билан ўн йилга қамалган. 1955 йилдан Тожикистон Фанлар академиясида илмий ходим бўлган (қар.: Iraj Bashiri. Prominent Tajik Figures of the Twentieth Century. Dushanbe, 2002, 107-бет).

[44] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби Бухоро / Баргардонанда аз ӯзбекӣ ба тоҷикӣ ва мураттиб: Р. Ҳошим. Душанбе, 1987, 4-бет.

[45] Кўрсатилган асар, 239-бет. Раҳим Ҳошимнинг асар қўлёзмасини кўчиришдаги иштироки ҳақида қуйида қар.

[46] Кўрсатилган асар, 5, 9-бетлар.

[47] Кўрсатилган асар, 175-бет. Бу жумлалар 1926 йилдаги Москва нашрида ҳам йўқ (С. Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926, 186-бет).

баъзи боблари русчага таржима қилиниб, *Памир* журналида нашр этилди[48]. Афсуски, бу журнални топишга муваффақ бўлмадик ва қайси бобларнинг таржимаси берилгани бизга ноъмалум. Чиққан йилига қараганда, матн тожикча таржимадан рус тилига ўгирилган бўлиши мумкин.

*Бухоро инқилобининг тарихи*нинг А.Н. Самойлович томонидан бажарилган қисқартирилган таржимаси (юқорида қар.) тақдири номаълум бўлиб қолмоқда. Таржима умуман нашр мақсадида эмас, балки тегишли органларни асар мазмуни билан таништириш учунгина амалга оширилганини тахмин қилиш мумкин, холос. Фақат А.Н. Самойлович асар материалларидан фойдаланган ҳолда Ёш бухоролиларнинг яширин жамияти ҳақида мақола ёзди[49].

Бевосита асарнинг Тошкентда сақланадиган қўлёзмаларидан фойдаланиш имконияти бироз чекланганлиги боис, тадқиқотчилар кўпинча унинг нуқсонли Москва ва Тошкент нашрларига мурожаат этишга мажбур бўлишган. Мисол учун, америкалик тадқиқотчи Эдвард Олворс асарнинг Тошкент нашрида тушириб қолдирилган «Жадид ёки Ёш бухоролилар фирқасининг тузилиши ва ёзилмаган программа» бобини [156–161] мукаммал деб билган Москва нашри асосида инглизчага ағдарган[50]. Аслида Москва нашрида бу бобдан ҳам бир неча сатр қисқартирилган[51].

Асар қўлёзмалари ва нашр принциплари

Бухоро инқилобининг тарихи бизгача икки нусхада етиб келган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг Асосий фондида сақланади.

---

[48] Садриддин Айни. История революции в Бухаре // Памир, 1987, № 4, 122–133-бетлар; № 5, 80–93-бетлар (қар.: G. Fedtke. Jadids, Young Bukharans, Communists and the Bukharan Revolution: From an Ideological Debate in the Early Soviet Union // Anke von Kügelgen et alii (eds.). Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol. 2. Berlin, 1998, 500-бет).

[49] А.Н. Самойлович. Первое тайное общество младо-бухарцев // Восток. Кн. 1. 1922, 97–99-бетлар. Дастлаб Бухородаги Россия сиёсий агентлигида, кейинчалик Россия резидентлигида хизмат қилган И.И. Умняков А.Н. Самойлович орқали *Бухоро инқилобининг тарихи* материаллари билан танишиб, агентлик архивидаги ҳужжатларни ҳам жалб этган ҳолда Бухородаги янги мактаблар тарихи бўйича мақола ёзди (И.И. Умняков. К истории новометодной школы в Бухаре // Бюллетень САГУ. Вып. 16. Ташкент, 1927, 81–99-бетлар).

[50] E. A. Allworth. Suppressed Histories of the Jadids in Turkistan and Bukhara // E. von Mende (Hrsg.). Turkestan als historischer Faktor und politische Idee: Festschrift für Baymirza Hayit zu seinem 70. Geburtstag, 17. Dezember 1987. Köln, 1988, 33–46-бетлар.

[51] С. Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926, 65–70-бетлар.

1. 2125 инвентарь рақамли қўлёзма[52]. 584 варақдан иборат. Матн юпқа фабрика қоғозига, варақларнинг бир томонига турли ранглардаги сиёҳлар билан ёзилган. Варақлар ўлчами ҳар хил: 17,5×24; 18×22,5; 18,5×23; 18×26,5. Қўлёзманинг 02-олдварағида унинг ушбу институтга келгунга қадар қаерларда сақланганини кўрсатувчи қуйидаги муҳрлар бор: «Бухоро халқ маориф назоратининг марказий қироатхонаси», «Зарафшон вилоят маориф шуъбасининг марказий қироатхонаси», «Oz DXK».

Қўлёзма тўрт киши томонидан кўчирилган. Ёзувларни Айнийнинг дастхатлари[53] билан солиштириш шуни кўрсатдики, уларнинг бири Айнийнинг ўзидир. У 184–353, 395–417, 480–509 ҳамда 572–584-варақларни, иккинчи киши 1–183-варақларни, учинчи киши 354–392-варақларни, тўртинчи киши эса 418–478 ва 510–571-варақларни кўчирган. Камолиддин Айний 1–284-варақларни Раҳим Ҳошим, 284–311-варақларни Абдулмўъмин Сатторий кўчирган бўлса керак, деб тахмин қилади[54], аммо у кўрсатган варақларнинг рақамлари биз кўрсатган рақамлардан бошқача. Юқорида қайд қилинганидек, кўчирувчилардан бири Раҳим Ҳошим бўлганлиги аниқ, аммо унинг айнан қайси варақларни кўчиргани ҳозирча номаълум. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, қўлёзма кўчирилган пайтда у 12 ёки 13 ёшли ўсмир бўлган.

*Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро*нинг дастхат қўлёзмасининг 12 та мактаб дафтарига ёзилганлигидан келиб чиқилса[55], ушбу асарнинг мусаввадаси ҳам бир неча дафтарларга ёзилган ва улар тўрт киши орасида тақсимланиб кўчирилиб, ушбу қўлёзма яратилган бўлиши мумкин. Қўлёзманинг кўчирилиш вақти Айний китобни ёзиб тугатган 1921 йил 23 мартдан то қўлёзмани нашриётга топширган ўша йилнинг май ойигача бўлган оралиққа тўғри келади.

Қўлёзманинг 393- ва 394-варақлари йўқолган. Асарнинг тожикча таржимасида бу варақлардаги матн борлигига қараганда, улар таржима учун фотонусха олинганидан кейин йўқолган бўлса керак.

Матн кўчирувчилари имлолари орасида тафовутлар бор. Айний эски имлода ёзган бўлса, қолган уч котиб ислоҳ қилинган араб ёзувида кўчирган. Бироқ бу борада изчиллик йўқ: айни бир котиб айни бир сўзни гоҳ анъанавий, гоҳ ислоҳ қилинган имлода ёзавериши мумкин. Тиниш белгиларини нотўғри ва ноизчил қўллаш Айнийнинг ўзидан кўра қолган котибларда кўпроқ учрайди.

Нусха матнда ׀ белгиси билан белгиланди.

---

[52] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. I. Ташкент, 1952, № 240; Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Ташкент, 1998, № 614. Тавсифлар жуда қисқа, қолаверса, биринчи тавсифда асар қисмларининг мазмуни хусусида янглиш маълумотлар берилган.

[53] Айнийнинг *Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро* асари факсимилеси, *Куллиёт*ининг Душанбе нашри ва ушбу нашрдаги суратларга қар.

[54] Садриддин Айнӣ. Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро / Бо муқаддимае аз Камолиддин Садриддинзода Айнӣ. Теҳрон, 1381 ҳ.ш., 10-бет.

[55] Кўрсатилган асар, 5-бет.

2. 36-рақамли қўлёзма[56]. 335 варақдан иборат. 328[а]–329[б]-варақлар бўш. Қалин фабрика ва юпқа шарқ (79–80-варақлар) қоғози. Варақларнинг ҳар икки томонига йирик настаълиқда кўчирилган. Варақлар ўлчами: 17×21,5. 275[а]-варақнинг 12-сатрида 2125-қўлёзманинг 502-варағидаги матн тўлалигича тушириб қолдирилиб, 503-варақ бошидан яна кўчирила бошланган. Бундан маълум бўладики, бу нусха 2125-қўлёзмадан кўчирилган. 2125-қўлёзмада йўқолган 393- ва 394-варақлардаги матн тавсифланаётган қўлёзмада мавжуд (199[б]–200[б]-варақлар). Олдварақда «Бухоро халқ маориф назоратининг марказий қироатхонаси», «Зарафшон вилоят маориф шуъбасининг марказий қироатхонаси», «Узбекский Государственный научно-исследовательный институт. Библиотека. Гор. Самарканд» муҳрлари босилган.

Асар матнидан иборат 1[б]–132[б]-варақлар ва унинг мундарижасини ўз ичига олувчи 330[а]–335[б]-варақлар Ибодулла Одилов[57] томонидан 1923 йилда (335[б]-варақ), 133[а]–327[б]-варақлар эса бошқа бир номаълум хаттот томонидан кўчирилган. Биринчи қарашда, иккинчи ёзув ҳам И. Одиловнинг хатига ўхшаб кетади, бироқ айрим ҳарфларнинг ёзилиши фарқланади. Қолаверса, И.Одилов кўчирган варақларда пойгирлар берилган, 133-варақдан бошлаб эса пойгир йўқ. Мазкур Тошкент каталогида бу қўлёзманинг 133[а]–327[б]-варақлари Садриддин Айнийнинг ўзи томонидан кўчирилган, деб нотўғри маълумот берилади[58]. Ҳолбуки, Айнийнинг хати бу қўлёзмадаги бежирим ёзувдан тамоман фарқли[59]. Баъзи ўринларда И. Одилов протографдаги хатоларни тузатиб кетган.

Нусха матнда ب белгиси билан белгиланди.

---

[56] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. VII. Ташкент, 1964, № 5035; Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Ташкент, 1998, № 615.

[57] Ибодулла Одилов (Қори Мир Ибодуллоҳ б. Мир Одилхўжа; 1872 ёки 1874–1944) — асли бухоролик, саҳҳоф ва хаттот. Бухоро инқилобидан сўнг у ердаги кутубхонанинг Шарқ бўлимида илмий ходим бўлиб ишлаган. Беш йил давомида Самарқандда хизмат қилган, аммо қайси йиллардалиги номаълум. Тошкентдаги давлат халқ кутубхонасида ишлаган пайтида (тахминан 1935 йилдан бошлаб) қўлёзмаларни тавсифлаш ишларига жалб этилган. Садриддин Айний билан дўстона муносабатда бўлган ва ҳатто биргаликда Алишер Навоийнинг форсий девонидан нусха кўчирган, деган маълумотлар бор (А. Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, 1971, 155–160-бетлар; М. Акмалова. Ибодулла Одилов // Шарқшунослик, 1991. № 2, 75–81-бетлар; яна қар.: Садриддин Айнӣ. Ёддоштҳо // Садриддин Айнӣ. Куллиёт. Ҷилди 6. Душанбе, 1962, 115-бет).

[58] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. VII. Ташкент, 1964, № 5035; Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Составители: Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Ташкент, 1998, № 615.

